

**Олий аттестация комиссиясининг  
2025 йил 3 ойлик (январь-март) фаолияти натижалари бўйича  
маълумотнома**

1. **2025 йил 3 ойлигига 1222 нафар тадқиқотчи илмий даражада тасдиқланди.** Шундан, фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасида эга бўлганлар сони **1031 нафарни**, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлганлар сони **191 нафарни** ташкил этди.

KPI кўрсаткичи илмий даражалар бўйича **108** фоизни, жумладан фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражаси бўйича **108,5** фоизни, фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича **106** фоизни ташкил этди.

2. Шу даврда **853 нафар** талабгор илмий унвонда, жумладан **643 нафари доцент**, **31 нафари** катта илмий ходим ва **179 нафари** профессор **унвонларида тасдиқланди**.

KPI кўрсаткичи илмий унвонлар бўйича **103** фоизни, жумладан профессор илмий унвони бўйича **105** фоизни, катта илмий ходим илмий унвони бўйича **111** фоизни ва доцент илмий унвони бўйича **102** фоизни ташкил этди.

3. Жорий даврда **3 та илмий кенгаш тузилди**.

4. Хорижий давлатлар муассасалари томонидан берилган **27 та** илмий даражалар **дипломлари нострификация қилинди**. Шундан **20 таси** фалсафа доктори (PhD), **6 таси** фан номзоди ва **1 таси** фан доктори (DSc) илмий даражалари дипломи ташкил этади.

5. Хорижий давлатларда илмий даражалар тўғрисида берилган **17 та фалсафа доктори дипломи** ўрнатилган тартибда **фан доктори** сифатида тўғридан-тўғри **тан олиниши** ташкил қилинди.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг **144 та** мурожаатлари ҳисобга олинди. Барча мурожаатларга (**100%**) ўз вақтида жавоб берилди.

7. Илмий жамоатчилик билан **3 та** ҳудудида учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкил этилиб, ҳисбот даврида **858 нафар** илмий жамоатчилик, шундан **684 нафари** **35 ёшгачан** бўлганлар билан **9 та** учрашув ташкил этилди. Уларда **188 та** саволга тушуниришлар берилди, **14** нафар шахсга жойида услубий ёрдам кўрсатилди ва сайёр қабулларда **4 нафар** шахсга жойида амалий ёрдам берилди.